

(1423–1450)

(1449-1450)

Мовароуннахрда 1449-1450-йилларда хукмронлик темурий хукмдор. Улугбекнинг ўгли. Шохрух саройида тарбия олган, харбий юришларда кўшиннинг ўнг канотига кўмондонлик килган. Гавхаршод бегим ва тархон амирлар Шохрух ўлиmidан сўнг (1447) Абдулатифни олий бош кўмондонликка тайинлаб, унинг амакиваччаси Алоуддавгани тахтга ўтказишган. Бу қарордан норози бўлган Абдулатиф Алоуддавлага қарши уруш очган, лекин Нишопур яқинидаги жангда (1447) енгилиб, хибсга олинган. Улугбек фарзанди ҳаётини саклаб қолиш мақсадида Алоуддавга билан сулҳ тузишга мажбур бўлган. Унга кўра, Алоуддавга Хуросон хукмдори деб тан олиниб, Абдулатифга Балх улуси берилган. Абдулатиф Улугбекнинг 1448-йил илк баҳоридан ёзгача Алоуддавга ва Абулқосим Бобурга қарши жанглирида қатнашган. Сўнг, тож-тахтни эгаллаш мақсадида отасига қарши Абулқосим Бобур билан иттифок тузган. Улугбек Абдулатифга қарши кўшин тортган ва Амударё бўйида икки томон кўшини 3 ой муқобил турган (1449). Самарқандда қолган беклар исёни туфайли Улугбек пойтахтга қайтишга мажбур бўлган, натижада Абдулатиф Амударёдан ўтиб Термиз, Шахрисабзни эгаллаган. Самарқанд яқинидаги Дамишқ қишлоғи ёнида отасини енгиб, тахтни эгаллаган (1449). Абдулатифнинг розилиғи билан Улугбек ва укаси - Абдулазиз Мирзо қатл этилган. Абдулатиф олти ойлик хукмронлигидан сўнг, Улугбекнинг ҳос наварларидан Бобо Хусайн баходир томонидан ўлдирилган (1450-йил 8-май). Абдулатиф ўзар, ҳудбин ва шухратпараст бўлсада, отаси Улугбек қаби илм аҳлига ихлосманд эди. У ўзи ҳам фалакиёт ва тарих илми билан шугулланар, шеърлар битарди.